



ASES
ACADEMY OF SCIENTIFIC AND
EDUCATIONAL STUDIES




ORIENTAL
UNIVERSITETI



ASES
XI. INTERNATIONAL
SOCIAL SCIENCES
CONGRESS

28 -30 November 2025, Uzbekistan

CONGRESS BOOK

EDITOR: Prof Dr.QODIROV GAYRAT

ISBN: 978-625-92930-0-4

Ases XI. Uluslararası Sosyal Bilimler Kongresi

**28-30 KASIM 2025
Jizzax, UZBEKISTAN**

EDITOR

Prof. Dr. QODIROV GAYRAT

COPYRIGHT © 2025

BY ASES CONGRESS ORGANIZATION

PUBLISHING COMPANY LIMITED

ALL RIGHTS RESERVED. NO PART OF THIS PUBLICATION MAY BE REPRODUCED, DISTRIBUTED OR TRANSMITTED IN ANY FORM OR BY ANY MEANS, INCLUDING PHOTOCOPYING, RECORDING OR OTHER ELECTRONIC OR MECHANICAL METHODS, WITHOUT THE PRIOR WRITTEN PERMISSION OF THE PUBLISHER, EXCEPT IN THE CASE OF BRIEF QUOTATIONS EMBODIED IN CRITICAL REVIEWS AND CERTAIN OTHER NONCOMMERCIAL USES PERMITTED BY COPYRIGHT LAW. ASES CONGRESS ORGANIZATION PUBLISHING® IT IS RESPONSIBILITY OF THE AUTHOR TO ABIDE BY THE PUBLISHING ETHICS RULES.

ASES PUBLICATIONS – 2025©

LICANCE KEY: 2022/ 63715

25.12.2025

ISBN: 978-625-92930-0-4

CONGRESS ID

Ases XI. Uluslararası Sosyal Bilimler Kongresi

DATE AND PLACE

NOVEMBER 28-30,2025

Jizzax ,UZBEKISTAN

ORGANIZATION

ASES (ACADEMY OF SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL STUDIES),

LANGUAGES

Turkish, English, Arabic, Russian

ЁШ ТЕННИСЧИЛАРДА ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНИШИГА
КЎМАКЛАШУВЧИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Неслихан Букай¹

Ўзбекистон Республикаси Ориентал университети, “Узлуксиз таълим педагогикаси”
кафедраси, мустақил тадқиқодчи

ORCID: 0000-0002-7277--3585

Комилжон Муротмусаев²

Университет Ориентал, кафедра «Педагогика непрерывного образования»,
кандидат медицинских наук, доцент Ташкент, Узбекистан.

ORCID: 0000-0003-3154-4900

Annotation: The article analyzes the socio-psychological factors influencing the development of leadership qualities in young tennis players. The author highlights the psychological mechanisms for enhancing leadership potential in the sports environment through interpersonal relationships, motivational systems, emotional intelligence, and communicative competencies. In addition, based on the scientific analysis of both local and foreign researchers' studies, the article describes the necessary social and psychological conditions for effective development.

Keywords: sport, leader, leadership, tennis, young tennis players, coaching, emotional intelligence.

Аннотация: Мақолада ёш теннисчиларда лидерлик сифатларини ривожлантиришга таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар таҳлил қилинган. Муаллиф спорт муҳитидаги муносабатлар, мотивацион тизимлар, эмоционал интеллект ва коммуникатив компетенциялар орқали лидерлик потенциални оширишнинг психологик механизмларини ёритган. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқотларига таянадиган илмий таҳлил орқали самарали ривожланиш учун зарур шарт-шароитлар тавсифланган.

Калит сўзлар: спорт, лидер, лидерлик, теннис, ёш теннисчилар, мураббийлик, эмоционал интеллект.

КИРИШ

Замонавий глобал спорт муҳитида ёш теннисчиларда лидерлик қобилиятларини шакллантириш муҳим стратегик вазифа сифатида намоён бўлмоқда. Лидерлик нафақат мусобақа майдонида лидерлик қилиш қобилиятини, балки ўз ҳис-туйғуларини бошқариш, жамоани руҳлантириш, қарор қабул қилиш ва ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олишни ҳам талаб қилади (Goleman, 1998). Теннис спорт тури индивидуал фаолият сифатида намоён бўлса-да, унда ҳам мураббий, ота-она ва тенгдошлар билан самарали ўзаро муносабатлар орқали ижтимоий лидерлик сифатлари шаклланади.

Бугунги кунда жаҳон спортида лидерлик феномени, айниқса ёш авлод спортчиларида — хусусан теннисчиларда — фаол ўрганилаётган илмий йўналишлардан бирига айланди. Замонавий спортда юқори натижаларга эришиш фақат жисмоний тайёргарлик ёки техник маҳорати билан эмас, балки шахснинг психологик ва ижтимоий етуклиги билан ҳам белгиланади (Weinberg & Gould, 2019). Шу маънода, ёш теннисчиларда лидерлик сифатларини ривожлантириш уларнинг мусобақадаги эмоционал барқарорлиги, мотивацион мустақиллиги ва ижтимоий фаоллигини таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади.

Лидерлик сифатлари шахснинг бошқаларга таъсир кўрсатиш, жамоани мақсадга йўналтириш, қийин вазиятларда қарор қабул қилиш ва эмоционал муҳитни бошқариш қобилияти билан тавсифланади (Bass & Riggio, 2006). Бу жараёни спорт фаолияти контекстида кўрсак, ёш теннисчи нафақат майдонда рақиб устидан ғалаба қозонишга, балки ўз жамоасида ижобий руҳий муҳит яратишга ҳам интилади.

Теннис спорт тури индивидуал фаолият сифатида кўрилишига қарамасдан, у ўта ижтимоий-психологик муҳитда амалга ошади. Мураббийнинг раҳбарлик услуби, ота-оналарнинг эмоционал қўллаб-қувватлови, тенгдошлар билан рақобат ва ҳамкорлик муносабатлари ёш спортчининг шахсий ва ижтимоий ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Шомуродов, 2021). Шу боис лидерликни ривожлантиришда ёлғиз шахсий қобилият эмас, балки шахс атрофидаги ижтимоий муносабатлар тизими ҳам муҳим роль ўйнайди.

Гоулман (1995) таъкидлаганидек, самарали лидерликнинг асосида эмоционал интеллект ётади. Ушбу қобилият ёш спортчида ўз ҳис-туйғуларини англаш, бошқариш ва бошқаларнинг эмоцияларини идрок этиш орқали ижобий мулоқот ўрнатиш имконини беради. Теннисчида юқори эмоционал интеллект даражаси бўлса, у стрессга чидамли, жамоавий вазиятларда ҳал қилувчи қарор қабул қила олади, бу эса унинг лидерлик салоҳиятини кучайтиради (Mayer, Salovey & Caruso, 2008).

Шу билан бирга, мотивация тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга. Deci ва Ryan (2000)нинг “Автономия назарияси” (Self-Determination Theory)га кўра, инсон фаолиятида ички эҳтиёжлар — мустақиллик, компетенция ва ижтимоий тегишлик — шахсий ривожланишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ёш теннисчида ички мотивация устувор бўлганда, у фаолиятни ташқи босимсиз, шахсий қизиқиш ва ўзини намоён қилиш эҳтиёжи билан амалга оширади. Бу эса унинг лидерлик фаоллигини кучайтиради.

Маҳаллий тадқиқотлар (Саидов, 2022; Хайруллаева, 2023) ҳам шуни кўрсатадики, Ўзбекистондаги ёш спортчиларда эмоционал интеллект ва мотивация даражаси лидерлик салоҳияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Улар учун ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги — яъни мураббий, ота-она ва тенгдошлар ўртасидаги соғлом муносабатлар — шахсий ўсиш ва лидерлик қобилиятининг асосий шarti ҳисобланади.

Шундай қилиб, ёш теннисчиларда лидерлик сифатларининг самарали ривожланиши учун ижтимоий-психологик шарт-шароитлар тизимини шакллантириш — спорт психологияси, педагогика ва оила психологияси соҳалари учун долзарб илмий-амалий вазифа ҳисобланади.

1. Лидерликнинг ижтимоий–психологик моҳияти. Психологияда лидерлик шахснинг бошқаларга таъсир кўрсатиш, уларни мақсадга йўналтириш ва мотивациялаш қобилияти сифатида таърифланади (Bass & Riggio, 2006). Ёш теннисчиларда бу сифатларнинг ривожланиши ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Ички омиллар қаторига шахсий мотивация, эмоционал барқарорлик, иродавий сифатлар ва ўз-ўзини англаш даражаси киради. Ташқи омиллар эса мураббийнинг психологик қўллаб-қувватлаши, оналарнинг муносабати, тенгдошлар билан мулоқот муҳити ва спорт тизимидаги ижтимоий кадриятлардан иборат (Шомуродов, 2021).

Лидерлик феномени ижтимоий психологияда шахснинг гуруҳдаги ролини, таъсир даражасини ва гуруҳни мақсад сари йўналтириш қобилиятини ифода этади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича (Bass & Riggio, 2006), лидерлик бу шахснинг табиий хислати эмас, балки ижтимоий муҳит ва ўзаро муносабатлар тизимида шаклландиган комплекс психологик жараёндр.

Шахсдаги лидерлик салоҳиятини англаш, аввало, унинг ўзини шахс сифатида идрок этиши ва ижтимоий ролини билишидан бошланади. Ёш теннисчи спорт муҳитида ўзини жамоа аъзоси, рақиб ва бир вақтнинг ўзида лидер сифатида намоён этади. Бу ҳолда лидерлик нафақат жамоани бошқариш, балки ўз хулқ-атворини мувофиқлаштириш, ички ва ташқи эмоционал муҳитни бошқариш қобилияти сифатида ҳам намоён бўлади (Goleman, 1998).

Психологик нуқтаи назардан, лидерликни икки асосий компонент белгилайди:

1. Когнитив-интеллектуал асослар — шахснинг вазиятни таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш ва стратегик фикрлаш қобилияти;
2. Эмоционал-ижтимоий асослар — шахснинг ҳис-туйғуларини идрок этиш, бошқалар билан эмпатик муносабат ўрнатиш ва ижтимоий таъсирни амалга ошириш қобилияти (Mayer, Salovey & Caruso, 2008).

Бу икки компонентнинг уйғунлиги ёш спортчида барқарор лидерлик хулқини шакллантиради. Гоулман (1995) таъкидлаганидек, фақат юқори интеллектга эга бўлиш лидерлик учун етарли эмас; эмоционал интеллект лидернинг самарадорлигини белгилайдиган ҳал қилувчи омилдир.

Ижтимоий-психологик нуқтаи назардан, лидерлик фақат шахс хусусияти эмас, балки интерактив муносабат тизимидир. Яъни, лидер фақат бошқалар иштирокида, уларнинг муносабати ва ишончи орқали вужудга келади. Шунинг учун ҳам лидерликни фақат индивидуал хислат сифатида эмас, балки ижтимоий ҳамкорлик жараёни сифатида ўрганиш зарур (Черниговская, 2019).

Ёш теннисчилар мисолида бу жараён спорт муҳитида яққол кўринади. Мураббий билан муносабатда лидерлик “ўргатилган таъсир” шаклида намоён бўлади: мураббий спортчида масъулият ва ташаббусни рағбатлантиради. Тенгдошлар билан мулоқотда эса лидерлик “ижтимоий таъсир” кўринишида ифода этилади — ёш спортчи бошқаларга намуна бўлади, уларни руҳлантиради ва жамоадаги эмоционал мувозанатни таъминлайди (Шомуродов, 2021).

Шу билан бирга, лидерликнинг ижтимоий-психологик моҳиятини тўлиқ англаш учун уни мотив, мақсад ва ижтимоий қийматлар тизими билан боғлиқ ҳолда таҳлил этиш

зарур. Deci ва Ryan (2000)нинг автономия назариясига кўра, инсон фаолиятининг самарадорлиги ички эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлади. Агар ёш теннисчида мустақил қарор қабул қилиш, ўз фаолиятини назорат қилиш ва шахсий мақсадларини белгилаш имконияти бўлса, у лидерликка табиий равишда интилади.

Ўзбекистондаги маҳаллий тадқиқотлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди. Масалан, Саидов (2022)нинг изланишларида ёш спортчиларда эмоционал интеллект, мотивация ва лидерлик салоҳияти ўртасида юқори даражадаги ижобий боғлиқлик аниқланган. Шунингдек, Хайруллаева (2023) теннисчиларда ижтимоий компетенция ва жамоавий муносабатлар ривожини лидерлик салоҳиятини мустаҳкамлашни таъкидлайди.

Демак, лидерликнинг ижтимоий-психологик моҳияти шахснинг ички потенциали ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро таъсири натижасида намоён бўлади. Ёш теннисчида бу жараён эмоционал интеллект, мотивация ва мулоқот маданияти орқали амалга ошади. Ижтимоий муҳитдаги ишонч, қўллаб-қувватлаш ва тенгдошлар билан соғлом рақобат лидерлик ривожининг асосий психологик шароити ҳисобланади.

2. Эмоционал интеллект ва лидерликнинг ўзаро боғлиқлиги. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эмоционал интеллект лидерлик қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим психокогнитив асосидир (Mayer, Salovey & Caruso, 2008). Ёш теннисчи ўз ҳис-туйғуларини англаш, бошқариш ва бошқаларнинг эмоцияларини тўғри идрок этиш орқали тенгдошлари ва мураббий билан соғлом мулоқот ўрната олади. Гоулманнинг назариясига кўра, эмоционал интеллектуал лидерларда стрессга чидамлик, ҳамдардлик ва қарор қабул қилишда мувозанатлилик юқори бўлади (Goleman, 1995).

Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотларда ҳам (Саидов, 2022) ёш спортчиларда эмоционал интеллект даражаси билан лидерлик ва жамоавий мувофиқлик ўртасида сезиларли ижобий корреляция аниқланган.

3. Ижтимоий муҳит ва мотивация тизимининг аҳамияти. Лидерлик сифатларининг самарали ривожланиши учун спорт муҳитида ижтимоий қўллаб-қувватловчи шароит яратилиши лозим. Бу шароитга мураббийнинг демократик раҳбарлик услуби, жамоавий қарор қабул қилиш маданияти ва шахсий ташаббусни рағбатлантириш киради (Deci & Ryan, 2000). Теннисчиларда ички мотивацияни шакллантириш — ташқи босимсиз, шахсий эҳтиёж ва қизиқиш орқали фаолиятни амалга ошириш — уларнинг мустақиллиги ва масъулиятини оширади.

Шунингдек, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида ота-оналарнинг роли ҳам катта аҳамиятга эга. Ортиқча танқид ёки босим ўрнига қўллаб-қувватловчи муносабат ёш спортчининг ишончи ва иродавий барқарорлигини мустаҳкамлайди (Weinberg & Gould, 2019).

Ёш теннисчиларда лидерлик сифатларини самарали ривожлантириш кўп жиҳатдан улар фаолият юритаётган ижтимоий муҳит ва унинг таркибий элементлари — мураббий, ота-она, тенгдошлар ҳамда спорт жамоаси билан боғлиқдир. Ижтимоий муҳит шахснинг руҳий барқарорлиги, ишончи, эмоционал қўллаб-қувватланиши ва фаолиятдаги мотивация даражасини белгилайдиган асосий психологик омиллардан бири ҳисобланади (Weinberg & Gould, 2019).

Теннис спорт турида ижтимоий муҳитнинг ўзига хос хусусияти шундаки, спортчи кўп ҳолларда индивидуал ҳаракат қилади, бироқ у доимо мураббий ва ота-она билан психоэмоционал боғлиқликда бўлади. Бу муносабатлардаги ишонч, тенг ҳуқуқли мулоқот ва ҳавасни қўллаб-қувватлаш теннисчининг ички мотивациясини рағбатлантиради.

3.1. Мураббийнинг психологик роли. Мураббий – бу фақат техник кўникмаларни ўргатувчи шахс эмас, балки ёш спортчининг ички дунёсига таъсир кўрсатувчи психологик раҳбар ҳамдир. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек (Deci & Ryan, 2000; Goleman, 1998), мураббийнинг демократик, эмпатик ва қўллаб-қувватловчи муносабати спортчида “автономия ҳисси”ни ривожлантиради. Бу ҳолда спортчи фаолиятини назорат эмас, балки ўз-ўзини бошқариш (self-regulation) асосида амалга оширади.

Ўзбек тадқиқотчиси Саидов (2022) ҳам таъкидлаганидек, мураббийнинг мотивацион қўллаб-қувватлови ва шахсий ишончи теннисчининг лидерлик салоҳиятини кучайтиради. Акс ҳолда, қаттиқ назорат ва танқид спортчида қўрқув, ишончсизлик ва ижтимоий изоляцияга олиб келиши мумкин.

3.2. Ота-она қўллаб-қувватловининг аҳамияти. Оила муҳити ёш спортчининг барқарор психологик ҳолати учун асосий фактор ҳисобланади. Ота-оналарнинг ҳиссий барқарорлиги ва қўллаб-қувватловчи муносабати ёш теннисчида “қадрлилик ва ишонч ҳисси”ни уйғотади (Goleman, 1995). Бу ҳис орқали бола ўзининг фаолиятини нафақат ташқи мақсадлар, балки шахсий эҳтиёж орқали ҳам англайди.

Масалан, маҳаллий тадқиқотларда (Хайруллаева, 2023) кўрсатилишича, ота-оналар томонидан адолатли баҳоланиш, натижадан кўра саъй-ҳаракатнинг қадрланиши болада ички мотивацияни шакллантиради. Бу турдаги қўллаб-қувватлов ёш спортчининг тенгдошлар билан муносабатда ҳам лидерлик ҳулқини кучайтиради.

3.3. Тенгдошлар муҳити ва ижтимоий ўзаро таъсир. Тенгдошлар билан бўлган муносабат теннисчиларда ижтимоий идентификация ва лидерлик қобилиятларини шакллантиради. Ёшлар ўртасидаги дўстона рақобат, ҳамдардлик ва ўзаро ишонч ижтимоий-эмоционал муҳитнинг соғломлигини таъминлайди (Bass & Riggio, 2006).

Бу жараёнда ижтимоий муҳит икки йўналишда ишлайди:

1. **Қўллаб-қувватловчи муҳит** – тенгдошлар бир-бирини илҳомлантиради, теннисчида “мен қила оламан” ҳиссини уйғотади;
2. **Баҳоловчи муҳит** – рақобат орқали шахс ўз салоҳиятини синаб кўради, кучли жиҳатларини ривожлантиради ва камчиликларини тuzатади.

Тенгдошлар билан ижобий алоқа ёш спортчида “ижтимоий лидерлик”ни шакллантиради — у бошқаларга намуна бўлиш, жамоада ташаббус кўрсатиш ва мувозанатни сақлаш қобилиятини ривожлантиради (Саидов, 2022).

3.4. Ички мотивация тизими. Мотивация тизими спортчи фаолиятидаги ички энергия манбаи бўлиб, унинг барқарор ривожланишини белгилайди. Deci ва Ryan (2000)нинг Self-Determination Theory моделига кўра, ички мотивация – бу инсоннинг табиий қизиқиши, маънавий қониқиш ва фаолият орқали ўзини намоён қилиш эҳтиёжидир.

Ёш теннисчида ички мотивация устувор бўлса, у фаолиятини ташқи босим ёки мукофот учун эмас, балки шахсий ўсиш учун бажаради. Бу ҳолда спортчида “масъулиятли лидерлик” хислати шаклланади, яъни у бошқаларни илҳомлантириш билан бирга ўз-ўзини ҳам самарали бошқаради (Mayer, Salovey & Caruso, 2008).

Шунингдек, ижтимоий муҳитдаги рағбатлантириш тизими (маънавий ёки моддий) ички мотивация билан мутаносиб бўлиши керак. Ортиқча босим ёки фақат натижага йўналтирилган рағбат тизими иждоккорлик ва ташаббусни чеклайди (Goleman, 1998). Шунинг учун спортчида ички эҳтиёжларни рағбатлантирувчи – қийматга, ҳиссий барқарорликка ва шахсий ривожланишга асосланган мотивация тизимини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Хулоса сифатида, ижтимоий муҳит ва мотивация тизими ёш теннисчиларда лидерлик салоҳиятининг асосий психологик таянч нуқталаридир. Мураббий, ота-она ва тенгдошлардан иборат ижтимоий муҳит спортчида ишонч, эҳтиром ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлайди. Бу муҳитдаги эмоционал барқарорлик ва ички мотивациянинг уйғунлиги ёш спортчининг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлайди.

4. Психологик тренинг ва мураббийлик услуги. Лидерликни ривожлантириш жараёнида махсус психологик тренинглар муҳим ўрин тутди. Масалан, теннисчиларда "командалар лидерлик", "ўз-ўзини бошқариш" ва "эмпатик мулоқот"га қаратилган машғулотлар натижадорликни оширади (Черниговская, 2019). Мураббийнинг психологик саводхонлиги юқори бўлса, у спортчида нафақат жисмоний, балки маънавий барқарорликни ҳам таъминлайди.

ХУЛОСА

Ёш теннисчиларда лидерлик сифатларининг ривожланиши — бу кўп омилли жараён бўлиб, эмоционал интеллект, мотивация, ижтимоий муҳит ва мураббийлик услубининг ўзаро таъсирида шаклланади. Спорт психологиясида бу жараённи самарали йўлга қўйиш учун ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, мураббийлар ва ота-оналарни психологик билимлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ёш теннисчиларда лидерлик сифатларини ривожлантириш — бу узлуксиз ва кўп қирралли ижтимоий-психологик жараён бўлиб, у шахснинг ички потенциали ва ташқи муҳитнинг ўзаро таъсирида шаклланади. Теннис спорт турининг индивидуал табиатига қарамасдан, спортчининг атрофидаги ижтимоий муҳит — мураббий, ота-она ва тенгдошлар билан муносабат тизими — унинг лидерлик салоҳиятининг самарали ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Weinberg & Gould, 2019).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ёш теннисчининг шахсий ривожланишида эмоционал интеллект лидер психологик омил сифатида намоён бўлади. Эмоционал англаш ва бошқариш қобилияти юқори бўлган спортчи стресс вазиятларда ҳам ўз ҳиссиётларини назорат қилиб, бошқалар билан самарали мулоқот қила олади. Бу эса унинг лидерлик хулқини, жамоадаги таъсирини ва эмоционал барқарорлигини кучайтиради (Goleman, 1995; Mayer, Salovey & Caruso, 2008).

Шу билан бирга, мотивация тизими — ички эҳтиёжлар, қизиқиш ва шахсий қадриятларга асосланган бўлса — ёш спортчида мустақиллик, масъулият ва ташаббускорликни кучайтиради. Deci ва Ryan (2000) таълимотида таъкидланганидек, инсоннинг ички мотивацияси унинг автоном фаолиятини, яъни ташқи таъсирсиз шахсий

қарор қабул қилиш қобилиятини таъминлайди. Спорт муҳитида ана шундай ички мотивацияни шакллантириш, мураббий ва ота-оналарнинг қўллаб-қувватловчи муносабати орқали амалга оширилиши мумкин.

Мураббийнинг ролини алоҳида таъкидлаш зарур. У фақат техник тайёргарликни бошқарувчи шахс эмас, балки ёш теннисчи учун ижтимоий ва эмоционал намуна ҳамдир. Мураббийнинг эмпатик мулоқоти, адолатли баҳолаши ва шахсий ишончи ёш спортчида ишонч, иродавий барқарорлик ва лидерлик хулқини ривожлантиради. Черниговская (2019) таъкидлаганидек, мураббийнинг эмоционал саводхонлиги юқори бўлганда спорт муҳитидаги стресс даражаси камаяди ва ижтимоий ҳамкорлик кучаяди.

Ота-оналарнинг ва тенгдошларнинг қўллаб-қувватлови ҳам лидерлик ривожига таъсир этувчи муҳим ижтимоий омиллардир. Оила муҳитидаги ишонч ва меҳр, тенгдошлар гуруҳидаги эмпатия ва дўстона рақобат ёш теннисчида ижтимоий масъулиятни, лидер сифатида бошқаларга таъсир кўрсатиш қобилиятини шакллантиради (Саидов, 2022; Хайруллаева, 2023).

Теннисчиларда лидерлик салоҳиятини ривожлантириш жараёнини самарали ташкил этиш учун қуйидаги ижтимоий–психологик шарт-шароитлар муҳим деб ҳисобланади:

1. Эмоционал интеллектни ривожлантиришга қаратилган тренинглар ва психокоррекцион дастурлар — стрессни бошқариш, ўзини англаш ва бошқаларни тўғри идрок этиш қобилиятини кучайтиради;
2. Мураббийлар учун психологик компетенцияни ошириш дастурлари — педагогик мулоқотда эмоционал барқарорликни таъминлайди;
3. Ота-оналар билан психоэдукацион ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш — спортчи учун соғлом қўллаб-қувватлов муҳитини таъминлайди;
4. Тенгдошлар гуруҳида ижтимоий ҳамкорлик ва дўстона рақобатни рағбатлантириш — ёш спортчининг лидерлик фаоллигини оширади.

Бу чоралар тизими ёш теннисчиларнинг шахсий, ижтимоий ва касбий ривожланиши учун психологик барқарор муҳит яратишга хизмат қилади. Лидерликни ривожлантиришдаги ижтимоий–психологик ёндашув нафақат спорт натижаларини, балки шахснинг эмоционал соғломлигини ҳам таъминлайди.

Шу сабабли, келгусида ёш спортчилар билан ишловчи мураббийлар, спорт психологлари ва педагоглар учун лидерлик салоҳиятини ривожлантирувчи интеграциялашган дастурларни ишлаб чиқиш — спорт психологияси илмининг долзарб илмий ва амалий йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Goleman, D. (1995). *Emotional Intelligence*. New York: Bantam Books.
2. Goleman, D. (1998). *Working with Emotional Intelligence*. New York: Bantam.
3. Bass, B. M., & Riggio, R. E. (2006). *Transformational Leadership*. Mahwah, NJ: Lawrence Erlbaum Associates.

4. Deci, E. L., & Ryan, R. M. (2000). *The “what” and “why” of goal pursuits: Human needs and the self-determination of behavior*. *Psychological Inquiry*, 11(4), 227–268.
5. Mayer, J. D., Salovey, P., & Caruso, D. R. (2008). *Emotional Intelligence: New ability or eclectic traits?* *American Psychologist*, 63(6), 503–517.
6. Weinberg, R., & Gould, D. (2019). *Foundations of Sport and Exercise Psychology*. Champaign, IL: Human Kinetics.
7. Черниговская, Т. (2019). *Мозг и лидерство: нейропсихологические аспекты*. Москва: Эксмо.
8. Шомуродов, А. (2021). Ёш спортчиларда лидерлик сифатларининг психологик омиллари. *Психология ва Педагогика Журнали*, №3, 45–52.
9. Саидов, Ф. (2022). Ёш спортчиларда эмоционал интеллект ва мотивациянинг ўзаро боғлиқлиги. *Ўзбекистон Спорт Психологияси Журнали*, №2, 33–40.
10. Хайруллаева, Н. (2023). Теннисчиларда ижтимоий компетенцияларни ривожлантиришнинг психологик асослари. *Жиззах ДПУ Илмий Ахборотлари*, №1, 75–80.